

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

---

#### Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир**  
**Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

---

#### Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)

ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

---

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.  
Шералиева Ж.

#### Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: www.fdu.uz

---

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

---

**Фарғона,  
2021.**

<b>М.Исломова, Ҳ.Жўраев</b>	
Қуш тимсоли ва ижтимоий-фалсафий масалалар талқини .....	189
<b>О.Абобакирова, М.Жабборова</b>	
Ўзбек болалар ҳикояларининг жанр хусусиятлари .....	192
<b>Г.Касимова</b>	
Чет тили дарсларида вербал ва новербал мулоқот .....	196
<b>М.Раҳмонов</b>	
Сўзнинг саломатликка таъсири .....	199
<b>М.Амонов</b>	
Туркий изофанинг функционал табиати хусусида .....	202
<b>Г.Умаржонова</b>	
Немис ва ўзбек тилларида “hand – қўл” компонентли соматик фразеологизмларнинг эквивалентлик ҳодисаси .....	206
<b>Х.Шокирова</b>	
Лисоний белги концепцияси .....	209
<b>З.Маруфова</b>	
“Гўзаллик” тушунчасининг лингвопоэтик талқини .....	212
<b>И.Аҳмаджонов</b>	
Шахс оти ясовчи морфемалар семантикасига доир .....	215
<b>Н.Махмудова</b>	
Ўзбек тилидаги телекоммуникация терминларининг семантик хусусиятлари .....	219
<b>А.Ахтямов</b>	
Реклама матнларининг таркибий қисмларини прагматингвистик таҳлили .....	222
<b>З.Маматқулова</b>	
Ўзбек кулолчилик терминларининг лисоний тавсифи .....	226
<b>Х.Максудова</b>	
Умумфойдаланиш учун белгиланган эмотив лўғат .....	230
<b>Э.Абдуллаева</b>	
Миллатлараро мулоқот турли маданият вакилларининг ўзаро тушуниш муҳити сифатида .....	234
<b>Ш.Хошимова</b>	
Муса Жалил шеърларида “бахт” тушунчаси ва унинг талқини .....	238
<b>Ф.Абдурахимова</b>	
Сўз ясалишида ички форма .....	243

#### ТАРИХГА БИР НАЗАР

Фарғона давлат университети тарихига доир .....	245
<u>ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ</u>	
Қадимшунослик соҳаси билимдони .....	247

О СЕМАНТИКЕ МОРФЕМ ОБРАЗУЮЩИХ ЛИЧНОЕ ИМЯ

ON THE SEMANTICS OF PERSON-FORMING MORPHEMES

Аҳмаджонов Илхомжон Тохиржон ўғли<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Аҳмаджонов Илхомжон Тохиржон ўғли

– Фарғона давлат университети таянч докторанти.

**Аннотация**

Мақолада шахс оти ҳосил қилувчи аффикс, аффиксоидларнинг семантикаси ва услубияти лисоний далиллар асосида ёритилган.

**Аннотация**

В статье на основе лингвистических аргументов обсуждается семантика и методология аффиксов, аффиксоидов, составляющих личное имя.

**Annotation**

This article describes the semantics and methodology of affixes, affixoids that make up a personal name, based on linguistic evidence.

**Таянч сўз ва иборалар:** шахс оти, морфема, аффикс, аффиксоид, морфемалар семантикаси.

**Ключевые слова и выражения:** личное имя, морфема, аффикс, аффиксоид, семантика морфем.

**Keywords and expressions:** person noun, morpheme, affix, affixoid, morpheme semantics.

Аффиксларнинг сўз ясовчи (деривацион аффикс) ва шакл ясовчи (реляцион аффикс) каби турларга бўлиниши морфемаларнинг вазифасидан келиб чиққан.[1,12] Аффикслар қўшилиши сабабли юзага келувчи бирликлар лексема ва сўзшакли ҳисобланади. Сўз ясовчи морфемалар лексик бирликларни ҳосил қилишда муҳим бирлик саналади. Шакл ясовчи морфемалар ёрдамида сўзшакли ҳосил қилинади.

Сўз ясовчи морфемалар ҳамма туркумдаги сўзларда ҳам мавжуд бўлавермайди. Мустақил сўз туркумларидан от, сифат, равиш, феъл туркумидаги лексемалар махсус сўз ясовчи аффиксларига эга. Мазкур туркумлардан ташқари бошқа сўз туркумларида деривацион морфемалар мавжуд эмас[2,175]. Сўз ясаши ҳодисасининг, сўз ясаши тизимининг фақат мустақил сўз туркумларида бўлиши табиий ҳолдир. Ҳудди шу талабга кўра, мустақил сўз туркумларидан сон ва олмош туркумлари сўз ясаши ҳодисасига, сўз ясаши системасига эга эмас[3,173]. Бундай қоида ва қарашлар тилшунослик бўйича мавжуд бўлган барча дарслик ва қўлланмаларда бир хил.

От туркуми бошқа сўз туркумларидан луғавий-грамматик маъноси, гапда турли хил вазифаларда кела олиши, семантикасига кўра, бошқа туркумлардан ажралиб туради. Бундан ташқари от сўз туркуми ясаши тизимининг эркинлиги, кенг доирага эгалиги билан алоҳида ажралиб туради.

От туркумидаги сўз ясовчи аффиксларни шу туркумга хос лексемаларнинг семалари асосида турли хил гуруҳларга ажратиш мумкин. Шахс отлари, нарса-буюм отлари, ўрин-жой отлари, фаолият-жараён отлари, мавҳум отлари сўз ясовчи қўшимча орқали ясаши хусусиятига эга.

Ўзбек адабий тилидаги от ясовчи суффиксларни маъно ва функцияларига кўра, қуйидагича классификация этиш мумкин:

**А. Аниқ маъно ифода этувчи суффикслар:**

I. Шахс оти маъносини билдирувчилар;

II. Нарса ва қурол оти маъносини билдирувчилар;

III. Ўрин-жой оти маъносини билдирувчилар.

**Б. Мавҳум маъно ифода этувчи суффикслар:**

I. Белги оти маъносини билдирувчилар;

II. Ҳаракат ва ҳолат оти маъносини билдирувчилар.[4,6]

Шахс оти ясовчи қўшимчалар турли хил туркумдаги сўзларга қўшилиб кела олади. Масалан, -(у)вчи қўшимчаси фақат феъл туркумидаги сўзларга қўшилиб, шахс оти ясади: **ҳайдовчи, ўқитувчи** каби сўзлар бунга мисол бўла олади. –дош қўшимчаси фақат от туркумидаги сўзларга қўшилиб, шахс отларини ҳосил қилади. Масалан: **синфдош, асрдош** кабилар. Шахс оти ясовчи қўшимчалар айрим ҳолларда сифат туркумидаги сўзлардан от ясаши мумкин.

Масалан: **қизиқчи**. Бироқ шахс оти ясовчи қўшимчалар, асосан, от ва феъл туркумидаги сўзларга қўшилади, бошқа туркумларда бундай ҳолат кузатилмайди.

Шахс оти ясовчи морфемаларни ҳам ўз ичида шахсларнинг семантик хусусияти ва шахс отларининг нимага асосан номланишидан келиб чиқиб, турларга ажратиш мумкин. Бу маъновий гуруҳлар қуйидагилардан иборат:

I. Қариндошликни ифодаловчи шахс оти ясовчи морфемалар.

Мазкур морфемалар шахс оти маъносини ифодаловчи лексемаларга қўшилиб келади. Масалан, **амакивачча, холавачча**.

II. Касб-хунарни ифодаловчи шахс оти ясовчи морфемалар. Шахс отини ҳосил қилувчи бундай морфемалар миқдори ўзбек тилида жуда кўп ва улар ўртасидаги семантик ва услубий фарқлар ҳам турличадир. Имкониятининг кенглиги, турли хил сўз туркумларига қўшила олиш хусусияти билан бошқа турдаги шахс оти ясовчи қўшимчалардан фарқланиб туради. Касб-кор маъносини ҳосил қилишда энг сермаҳсул морфема **-чи** қўшимчаси ҳисобланади. Мазкур морфема ҳақида Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида ўз фикрларини билдирганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин: “Яна бир адолари борки, баъзи алфознинг сўнгида “ч” ёки “чи” лафзидур, орттурурлар, ё мансабнинг ё хунарнинг ё пешанинг изҳори учун; форсийда йўқтур, балки алар ҳам туркча айтурлар. Мансабда андоқки, кўрчи ва сувчи ва хизоначи ва керак-яроғчи ва чавгончи ва найзачи ва шукурчи ва юртчи ва шилончи ва ахтачи йўсунлуғ кўптур. Хунар ва пешада андоқки, қушчи ва борсчи ва қўруқчи ва тамғачи ва жибачи ва йўрғачи ва ҳалвочи ва кемачи ва кўйчи. Андоқки, қуш хунарида дағи бу истилоҳ бордур, андоқки, қозчи ва қувчи ва турначи ва кийикчи ва товушқончики, сорт лафзида йўқтур. Ва алар бўлгонларнинг кўпин туркча айтурлар”. [5,38]

Касб-хунар номини ифодалашда турли хил маъно нозикликларига эга бўлади:

1) Асосдан англашилган таомни пиширувчи: **кабобчи**;

2) Асосдан англашилган предметни ясовчи: **пичоқчи**;

3) Асосдан англашилган предметдан нарса ясовчи: **тунукачи**;

4) Асосдан англашилган предметни қурувчи, тайёрловчи: **тандирчи, бетончи**;

5) Асосдан англашилган предметни бошқарувчи: **тракторчи**;

6) Асосдан англашилган нарсани айтувчи: **қўшиқчи, аскиячи**;

7) Асосдан англашилган предметни тикувчи: **этикчи**;

8) Асосдан англашилган жойни қўриқловчи: **чегарачи**;

9) Асосдан англашилган предметни парвариш қилувчи: **гулчи**;

10) Асосдан англашилган предметни ўрганувчи: **тилчи**;

11) Асосдан англашилган предметни сотувчи: **дўппичи**;

12) Асосдан англашилган предметни чалувчи: **даторчи, рубобчи**;

13) Асосдан англашилган нарсани бировга уқтирувчи: **маслаҳатчи**

каби маъно турларига эга. [6,49]

**-чи** морфемаси бир сўзнинг ўзида турли хил маъноларни ифодалаши мумкин. Масалан, **дастурхончи** сўзида дастурхон тикувчи, тайёрловчи маъно ва тўй-маъракаларда дастурхончилик билан шуғулланувчи шахсни ҳам ифодалайди. **Аравачи** сўзида ҳам худди шундай ҳодисани кузатишимиз мумкин. Арава ясовчи шахс ва арава тортувчи шахс маънолари юзага чиқади. Бироқ бундай маъноларнинг юзага чиқиши кўпроқ нутқ вазияти ва шевалар таъсири билан боғлиқ.

Ўзбек тилида касб-кор маъносини ифодаловчи морфемалар жуда салмоқли.

**-шунос** морфемаси, асосан, ўзи қўшилаётган лексеманинг бирор фан билан шуғулланувчи шахс маъносида келишини таъминлаб беради. Масалан, **табиатшунос, тилшунос, адабиётшунос** каби лексемалар.

**-каш** морфемаси нарса ифодаловчи от лексемаларга қўшилганда, шу иш билан шуғулланувчи шахс отини ҳосил қилади. Масалан, **аравакаш, сураткаш** лексемаларида касб-хунар билан шуғулланувчи шахс маъносини ифодаловчи лексемаларни ҳосил қилади.

**-фуруш** морфемаси асос лексема маъносидан англашилган предмет сотувчи маъносидаги шахс отини яшаш учун хизмат қилади.

Масалан, Ултармага қилдим юриш, Йўлдош эди бир **читфуруш**.

**-гар** морфемаси асос лексема билдирган нарса ёки ҳодисага алоқадор касб билан машғул бўлувчи одам маъносини ифодаловчи шахс оти ясайди. Масалан, Шайхонтохурда баққоллар, сартарошлар, **заргарлар** жуда сероб. Заргар лексемасининг шахс маъносини икки хил тушуниш мумкин. Бирини заргарлик буюмларини ясовчи, иккинчисини заргарлик буюмларини сотувчи шахс маъноларида қўллаш мумкин. Савдогар, сеҳргар

лексемаларида ҳам шу касб билан шуғулланувчи шахс отлари ҳосил қилинган.

**-(у)вчи** морфемаси ёрдамида асосдан англашилган ҳаракат билан машғул бўлувчи шахс оти ҳосил қилинади.

**Ўқитувчи, ёзувчи, ҳайдовчи** каби лексемаларда асосдан англашиладиган ҳаракатни ифодаловчи касб билан шуғулланадиган шахс отини ҳосил қилади, лекин **ўқувчи** лексемасида касб-кор маъноси юзага чиқмайди. **-(у)вчи** аффикси ҳар доим ҳаракатни ифодаловчи лексемаларга қўшилади, бироқ ясалмаларнинг ҳаммаси ҳам шахс оти бўлавермайди. Масалан, тез **пишувчи овқат** мисолига эътибор берайлик. Бунда **пишувчи** лексемаси шахснинг семасига эга эмас.

**-кор** аффиксининг фақат от туркумидаги лексемаларга қўшилиши маълум. Мазкур аффикс от лексеманинг маъносидан келиб чиққан ҳолда қўшилади. Нарса отлари таркибида келганда, асосдаги нарсаларни етиштирувчи шахс оти маъносини ифодалайди.

Масалан, Шавкатим, фаҳрим менинг,  
Денгиз-у, наҳрим менинг,  
Юрагим, бағрим менинг

**Пахтакор** Республикам. (Миртемир)  
Юқоридаги парчада **пахтакор** лексемаси пахта етиштирувчи шахс маъносини ифодалайди. **Шоликор, ғаллакор** каби лексемалар ҳам шоли, ғалла етиштирувчи шахс семасига эга.

**-кор** аффикси фаолият-жараёни ифодаловчи от лексемаларга қўшилиб келганда, улардан англашилган иш-ҳаракат билан шуғулланувчи шахснинг ифодаловчи шахс отини ҳосил қилади. Масалан, Бечора **хизматкор** қанча уринмасин, барибир, тортиб ололмабди. У тортган сари кўзачани янада маҳкамроқ сиқиб олаётгандек бўлар эмиш. (Япон халқ эртаги) Ушбу мисолдаги **хизматкор** лексемаси юқорида айтилган фикрларимизнинг лисоний исботидир.

**-соз** морфемаси асосдан англашилган нарсани тузатувчи, бунёд этувчи маъносини англатувчи шахс оти ясайди. Масалан, **соатсоз** лексемасида мазкур морфема соат тузатувчи шахс семасини ифодалаган.

**-бон** аффикси асосдан англашилган нарса, ўрин-жойга қаровчи, сақловчи каби семаларни ифодалаб келади. Масалан, **боғбон** лексемасида боққа қаровчи, **дарвозабон** лексемасида дарвозани сақловчи маънолари мавжуд. **Дарвозабон** лексемасида қайси фаолиятни амалга оширишига қараб сақловчи ёки қаровчи маънолари ифодаланаверади. Спорт турларига хос

атамаларда дарвозани сақловчи маъносида, бирор иш жойи маъносида келганда, назорат қилувчи семалари англашилади.

**-паз** морфемаси таом семасига эга бўлган сўзларга қўшилиб, мана шу таомни тайёрловчи, пиширувчи маъносидаги шахс оти ясайди. Бунга, **ошпаз, кабобпаз, сомсапаз** каби лексемалар мисол бўла олади. Мазкур мисоллардан ошпаз лексемасида фақат ош пиширувчи шахс эмас, балки турли хил таомлар тайёрловчи шахс маъноси ҳам юзага чиқади. Масалан, Шавла жуда тотли туюлди – **ошпазни** мақтадилар. (Ойбек)

**-дўз** морфемаси асосдан тушуниладиган нарсани тайёрловчи шахс маъносини билдирувчи от ясайди: **дўппидўз, этиқдўз** каби лексемалар мисол бўла олади.

III. Бирор жойга мансубликни ифодаловчи шахс оти ясовчи морфема. –лик аффикси.

Бу морфема, асосан, ўрин-жой ифодаловчи лексемаларга қўшилиб, шахс отини ҳосил қилади. Мазкур морфема атоқли жой отлари ва турдош жой отлари таркибида келиши мумкин. Масалан: **Биттаси тошкентлик Юсуфбек ҳожининг ўгли Отабек**. (А.Қодирий) Ушбу мисолда –лик морфемаси атоқли жой номини билдирувчи лексема таркибида келган. **Ё тавба! Бу шаҳарлик меҳмонларимизнинг қўли шунчалар ширинмиди ёки қўй гўштининг мазасимиди, лекин ош жуда зўр бўлибди**. (Мурод Мансур) Ушбу мисолда эса –лик аффикси турдош от таркибида қўлланган.

IV. Шахсга алоқадор кишини ифодаловчи шахс оти ясовчи морфема.

Ушбу маънони ифодаловчи –дош морфемаси бир ишга мансублик, бир пайтга мансублик каби семаларга эга. –дош морфемаси ҳозирги ўзбек тилидаги энг сермахсул аффикслардан бири саналади. Тилга янги кириб келаётган сўзларга қўшилиб, шахс отларини ҳосил қилиш имкониятига эга. Масалан, янги лексема сифатида шаклланаётган **абитуриентдош** лексемаси. –дош морфемаси турли хил семаларга эга бўлган лексемаларга қўшилиши билан бошқа шахс оти ясовчи қўшимчалардан фаолроқдир. Бу аффикс нарса отини ифодаловчи лексема таркибида кела олади. Масалан: **партадош, ёстиқдош** кабилар. Фаолият-жараёни ифодаловчи лексемаларга қўшилиб келиши мумкин: **сўхбатдош** лексемаси каби. Пайт ифодаловчи лексемалар таркибида ҳам қўлланади. Масалан, **асрдош, замондош** кабилар. Ўрин-жойни семали лексемалар таркибида келиш имкониятига эга. Бу ўринда

**ватандош, юртдош** каби шаклларни келтириш мумкин. Бундан ташқари,

-дош морфемаси мавхум маъноли от лексемалар таркибида келиши мумкин. Масалан: сирдош, қайғудош каби лексемалар бунга яққол мисол бўла олади.

V. Нарса-ҳодисани доимий кузатувчи, мутолаа қилувчи шахс.

маъносини ифодаловчи шахс оти ясовчи морфема. **-хон** аффиксоид шакли аксарият ҳолларда, нарса оти таркибида келиб, уни шахс отига айлантиради. Масалан, **китобхон, ғазалхон, газетхон** каби лексемалар. **Китобхон, газетхон** лексемаларидан китоб ва газетани доимий ўқиб турувчи, уларга меҳр қўйган ва янги ёзилган китобларни кузатиб борувчи шахс маънолари англашиб туради. Ғазалхон лексемасида бу морфема ғазални яхши, ифодали ўқийдиган шахс маъносини ифодалашга ёрдам беради.

VI. Асосдан англашилган ҳодисага эътиқод қилувчи, бирор нарсага меъеридан ортиқ берилган маъносини ифодаловчи шахс оти ясовчи морфема – бу, **параст** морфемасидир. Бу қўшимча турли хил семага эга бўлган лексемалар таркибида қўлланиб, ўша лексема маъноси асосида ўша нарсага эътиқод қилувчи, шунга берилган шахс отларини ҳосил қилади: Бу хонада ягона **шахсиятпараст** менман. (Ж.Лондон) **Бутпараст, маишатпараст, амалпараст** каби лексемалар ҳам шу маънони англаувчи лисоний далиллардир.

VII. Асосдан англашилган нарсага эга бўлган киши маъносини билдирувчи шахс оти ясовчи морфема. –дор аффикси ўзи қўшилган лексемага эгадор шахс отини ҳосил қилади. Бунга мисол тариқасида **дўкандор,**

**амалдор, боғдор** каби лексемаларни айтиб ўтиш етарлидир.

VIII. Асосдан англашилган нарсани истеъмол қилувчи маъносини ифодаловчи шахс оти ясовчи морфема. –хўр морфемаси ясовчи вазифасидаги бошқа морфемалардан салбий бўёққа эгалиги билан ажралиб туради. Масалан, **нафақачи** ва **нафақахўр** лексемаларига эътибор берсак. Айрим нуронийлар мени нафақахўр эмас, нафақачи, деб айтинглари, дейишади. Бунинг сабаби шундаки, – хўр аффикси бирор нарсани меъеридан кўп истеъмол қилувчи маъносини билдиради. Қуйидаги мисоллар орқали сезишимиз мумкин: **ароқхўр, чойхўр, катиқхўр** каби лексемалар.

IX. Асосдан англашилган иш-ҳаракат, ҳодисани доим бажариб, таъкидлаб турадиган шахс маъносидаги от ясовчи морфема. [2, 179]

–гўй морфемаси юқоридаги семани ўзи қўшилаётган лексемага юклайди. Масалан, насиҳатгўй, дуогўй, маслаҳатгўй каби лексемаларни олишимиз мумкин.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, хулоса ўрнида шуларни айтиш мумкинки, шахс семали сўзлар ҳеч қандай ясовчи морфемаларсиз ҳам тилда мавжуд бўлиши мумкин. Бироқ шахс семали лексемаларнинг ҳосил бўлишида от ясовчи морфемалар алоҳида аҳамият касб этади. Бу аффиксларнинг асосий вазифаси шахс семали лексемаларни ҳосил қилишдан иборат. Шахс семали от ясовчи морфемалар бир парадигма ҳосил қилса-да, улар ўзаро бир-биридан фарқланиб туради. Айрим шахс оти ясовчи морфемалар услубий, полисемантик хусусиятига кўра, нутқда фаол қўлланивчи қўшимча ҳисобланади.

#### Адабиётлар:

1. Ўзбек тили грамматикаси. I жилд. Морфология. 1975-й.
2. Ш.Шоабдурахмонов ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. – Т.: Ўқитувчи, 1980-й.
3. А.Ҳожиев. Ўзбек тили морфологияси, морфемикаси ва сўз ясалишининг назарий масалалари.–Т., Фан, 2010.
4. Зокир Маъруф. Ўзбек адабий тилида от ясовчи суффикслар. Зиё.уз кутубхонаси
5. А.Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. Зиё.уз кутубхонаси
7. Тожиёв Ё ва бошқалар. Ўзбек тилидаги эргаш морфемаларнинг семантик-стилистик хусусиятлари.– Т.: 2012.

(Тақризчи: А.Мамажонов – филология фанлари доктори, профессор)